



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Қўқон шаҳар Ҳокимлиги
таълим вазири Р.Кулдашев

2022г

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қўқон - 2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Қўқон шаҳар Ҳокимлиги

1.2. Танлов қиймати 55 610 000 (Эллик беш миллион олти юз ўн минг) сўм . Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича галиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Махсулотларни етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охирига қадар.

1.5 Махсулотларни етказиб бериш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Қўқон шаҳар Ҳокимлиги (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Қўқон шаҳар Турон кўчаси 1-уй

Эл.адрес: qoqonhokimiyat@exat.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Қўқон шаҳар Ҳокимлиги “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда махсулот етказиб беришга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, махсулотларни етказиб бериш, ортиш ва ўрнатиб бериш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари етказиб берилган махсулотлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан етказиб бериладиган махсулотларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган етказиб бериладиган махсулотлар билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавоблар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАХФИЙЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

5.4. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган шартнома тузишга мажбурдир. Ғолиб қилинган шартнома билан буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган таъдирда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қандай ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритиладди.

5.5. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичда давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қандай икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қодаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

5.6. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичда маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичда танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади